

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУШВАҚТОВ СУЮН ЮСУП ЎҒЛИ**

**ПЛАСТИКАТ ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДАГИ АМИНО- ВА  
СУЛЬФОГУРУҲ ТУТГАН ЯНГИ ПОЛИКОМПЛЕКСОНЛАРНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎТ: 544.3: 544.4: 544.723: 541.64:547.478:542.952:620.192.5

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on Chemical sciences**

**Хушвақтов Суюн Юсуп ўғли**

Пластикат поливинилхлорид асосидаги амина- ва сульфогруҳ тутган  
янги поликомплексонларнинг физик-кимёвий хоссалари..... 3

**Хушвақтов Суюн Юсуп угли**

Физико-химические свойства новых поликомплексоннов, содержащих  
амино- и сульфогруппы, на основе пластиката поливинилхлорида..... 21

**Khushvaktov Suyun**

Physico-chemical properties of new polycomplexes containing amino- and  
sulfo groups on the based plasticied polyvinyl chloride..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc03/30.09.2020.К.82.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУШВАҚТОВ СУЮН ЮСУП ЎҒЛИ**

**ПЛАСТИКАТ ПОЛИВИНИЛХЛОРИД АСОСИДАГИ АМИНО- ВА  
СУЛЬФОГУРУҲ ТУТГАН ЯНГИ ПОЛИКОМПЛЕКСОНЛАРНИНГ  
ФИЗИК-КИМЎВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.06 - Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЎ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/К235 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cspi.uz.ilmiy-kengash](http://www.cspi.uz.ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бекчанов Давронбек Жумазарович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Махмуд Муратович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Тробов Хамза Турсунович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.09.2020.К.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: [tvchdri\\_k.kengash@umail.uz](mailto:tvchdri_k.kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс (0370) 716-68-11; e-mail: [tvchdri\\_k.kengash@umail.uz](mailto:tvchdri_k.kengash@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**О.Э.Зиядуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси  
к.ф.д., доцент

**Г.Қ.Отамухамедова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий  
котиби к.ф.ф.д. (PhD)

**А.С.Рафиков**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида синтетик ионалмашинувчи материалларни маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариш, ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш учун олиб борилаётган ҳаракатлар ўтган ўн йилга нисбатан бир неча баробар ортган. Ишлаб чиқариладиган ионитлар ҳажми бўйича МДХ давлатлари жаҳонда иккинчи ўринда туради ва бу ион алмашинувчи материаллар ёрдамида ифлосланган оқова сувлар тозаланади, сувнинг қаттиқлиги юмшатилади, у токсик металллардан тозаланади, саноат корхоналари учун ишлатиладиган табиий оқова сувлар ҳамда ушбу корхоналардан чиқаётган чиқинди оқова сувлар тузсизлантирилади. Ионитлар иштирокида қўлланиладиган технологиялар фақат оқова ва чиқинди сувни тозалашдагина эмас балки гидрометаллургияда қимматбаҳо ва бошқа рангли металлларни ажратишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда синтетик полимерлар асосида ионитлар синтез қилиш усуллари аниқлаш, ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, хусусий тавсифлари, техник шартлари ва талабларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, нефт-газ, табиий углеводородлар ва иккиламчи саноат маҳсулотларидан фойдаланиб ионалмашинувчи материаллар олиш, уларнинг физик-кимёвий параметрлари, тозалиги, таркиби ва тузилишини замонавий усулларда аниқлаш, физик, механик, энергетик ва квант-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш ва саноатда кенг масштабда ишлаб чиқариш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда тармоқларини ривожлантириш учун замон талабларига мос, экологик тоза, иқтисодий самарали, рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган корхоналар яратилмоқда. Бундай корхоналардан «Шўртан-Газ-Кимё», «Устюрт-Газ-Кимё» мажмуаларидан бир неча турдаги полимерлар катта миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. Республикаимизда маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқариладиган полимер материалларининг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш, ион алмашинувчи материаллар олинишининг мақбул шароитларини аниқлаш ва уларнинг жорий этиш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>да «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлашни ва улар асосида янги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи саноатни янги сифат жиҳатдан юқорига кўтариш» га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида истиқболли сорбентларни яратишнинг инновацион ва иқтисодий жиҳатидан самарадор йўллари

---

<sup>1</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси/Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

бири бу саноатда ишлаб чиқариладиган кўп тоннажли полимерларни кимёвий ўзгартириш жараёнини аниқлаш, ионитлар олишнинг мақбул шароитларини топиш, олинган ионитларнинг айрим металл ионларига нисбатан селективлигини аниқлаш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш муҳим ахамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда турли реагентлар билан поливинилхлоридни модификациялаш орқали ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи материаллар яратилмоқда. Хусусан бир қатор хориж олимлари V.V. Bayandin, R.G. Sultangare, N.S. Shaglaeva, K. Toxomito, B. Vandbarum, R. Tataru-Farmus, R.P. Kusy, G. Martines, I.S. Ahmed, A.K. Ghoniam, A.A. Abdel., M. Аббас, S. Suga, Y. Wakayama, A. R. Roudman, R. P. Kusy, G. Martines, A.K. Ghoniam, A.A. Abdel Hakim поливинилхлоридни модификациялаш орқали олинган материалларнинг сорбцион хоссалари ва қўлланиш соҳаларини кенг қамровда ўрганишган. Мамлакатимизнинг бир қатор таниқли олимлари М. А. Аскарлов, У. Н. Мусаев, А. Т. Джалилов, Т. М. Бабаев, М. Г. Мухамедиев, С. М. Туробжонов, Д. А. Гафурова, М. М. Каримов ва бошқалар турли хил полимер материаллардан фойдаланиб, ионитлар олиниши ва хоссаларининг физик-кимёвий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали ионалмашув материалларни синтез қилиш ва қўллаш бўйича илмий изланишларга салмоқли улуш қўшганлар.

Поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни полиэтиленполиамин билан модификациялаш жараёнларини тадқиқ қилиш, олинган полиамфолитни кимёвий, термик барқарорликлари ва сорбцион хоссаларини текшириш кучли кислотали ҳамда асосли янги турдаги импорт ўрнини босувчи поликомплексон материални яратишга олиб келади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170925290+ПЗ-2017092965+ПЗ-20170927395 «Маҳаллий хомашё

асосида ионитлар олиш ва уларни рангли ҳамда камёб металлларни ишлаб чиқариш чиқиндиларидан ажратиб олиш учун қўллаш» (2018–2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** поливинилхлорид асосида янги поликомплексон олиниш жараёнини ва физик-кимёвий хоссаларининг жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

поливинилхлорид асосидаги сульфокатионитни полиэтиленполиамин иштирокида модификациялаш орқали таркибида амино- ва сульфогуруҳлари тутган полимер материал олишнинг физик-кимёвий жиҳатларини ўрганиш ва мақбул шароитларини аниқлаш;

поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни ПЭПА билан модификациялаш кинетикасини аниқлаш;

полиамфолитнинг ғоваклик даражаси, солиштира ҳажми ва намлигини аниқлаш;

олинган полиамфолитнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

полиамфолитни металл ионларига нисбатан сорбцион хоссаларини тадқиқ қилиш;

маҳаллий хомашё асосидаги янги полиамфолитни қўлланиш соҳаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида поливинилхлорид, сульфокатионит, полиэтиленполиамин, полиамфолит, турли хилдаги металл тузлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кимёвий ўзгаришлар, модификациялаш, оксидлаш, сорбция, десорбция, регенерация, жараёнлар кинетикаси, изотермаси ва термодинамикаси ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида ИҚ - спектроскопия, термогравиметрик таҳлил, дифференциал термик таҳлил, элемент таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексометрия, ютилиш жараёнларини ўрганишда Ленгмюр ва Фрейндлих назариялари, ҳамда псевдо-биринчи ва псевдо-иккинчи тартибли кинетик моделлари каби замонавий назарий ва экспериментал тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор гранулаланган пластикат поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни ПЭПА билан модификациялаб поликомплексон олиш жараёнинининг кинетик параметрлари аниқланган ва мақбул шароитлари топилган;

олинган полиамфолитнинг физик кимёвий хоссаларини текшириш орқали юқори сорбцион хоссага, юқори термик ва механик барқарорликга эга эканлиги аниқланган;

олинган полиамфолитнинг сорбцион ва физик-кимёвий хоссаларини текшириш орқали унинг хоссалари саноат миқёсида қўлланиладиган APFC-45(4-VP+CF-5) полиамфолитига деярли тенг эканлиги исботланган;

полиамфолитга Cu (II), Ni (II), Co (II) ва Cr (III) ионлари ютилишининг кинетик ва изотерма константалари ҳамда термодинамик параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гранулаланган поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни аминлаш орқали янги полиамфолит олинган;

гранулаланган пластикат поливинилхлорид асосида олинган полиамфолитни саноат корхоналари учун оқова сувларидан оралиқ металл ионларини тозалашда қўллаш мумкинлиги аниқланган;

олинган полиамфолит «Муборак газни қайта ишлаш заводи»да оқова сувларини мис (II), темир (III), никель (II) ва хром (III) ионларидан юқори самара билан тозалаш аниқланган;

олинган полиамфолит ёрдамида гидрометаллургия саноатида технологик эритмаларни концентрлаш ва улардан рангли металлларни ажратиб олиш имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ИҚ - спектроскопия, термогравиметрик таҳлил, дифференциал термик таҳлил, элемент таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, оптик эмиссион спектроскопия, спектрофотометрия, комплексонометрия каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар шунингдек ион мувозанат, адсорбция жараёнлари кинетикаси псевдо биринчи ва псевдо иккинчи тартибли кинетик моделлар ҳамда Ленгмюр ва Фрейндлих изотерма моделлари ва ҳамда металл ионлари сорбция термодинамикаси ҳақидаги замонавий назарияларда ишлатиладиган тенгламаларни қўллаш орқали олинган натижаларни таҳлил қилиш билан хулосалар чиқарилган ва математик статистика усуллари билан қайта ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гетероген шароитда поливинилхлорид асосидаги олинган сульфокатионитдан таркибида олтингугурт ва азот тутрган поламфолит олиш жараёни кинетикасини ва олинган полиамфолитнинг физик кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш орқали жараён боришини бошқариш шунингдек селектив хоссага эга бўлган ионит олиш мумкинлигини кўрсатиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сульфокатионит асосида олинган полиамфолит ёрдамида саноатда корхоналари учун сувларни тузсизлантириш, чиқинди сувларини экологияга салбий таъсир кўрсатувчи турли хил заҳарли ва оғир металл ионларидан тозалаш, гидрометаллургия саноатида технологик эритмаларни концентрлаш ва улардан рангли металлларни ажратиб олишдан иборатдир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Поливинилхлорид пластикати асосидаги янги полиамфолит физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

поливинилхлорид асосида олинган олтингугурт ва азот тутган полиамфолит синтези учун ташкилот стандарти «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 02072392-002:2020). Натижада, полиамфолит

ёрдамида гидрометаллургия саноатида технологик эритмаларни концентрлаш ва улардан рангли металлларни ажратиб олиш имконини берган;

синтез қилинган полиамфолит «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖДа амалиётга жорий қилинган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖнинг 2020 йил 23 ноябрдаги 1682/ГК-11-сон маълумотномаси). Натижада, оқова сувлар таркибидаги оралиқ металллар мис (II), темир (III), никель (II) ва хром (III) ионларининг миқдорини 10% дан 17% гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари асосида 14 та, жумладан 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 2 та мақола республика журналларида, 3 та мақола хорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертацияси таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади<sup>2</sup>.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги, мавзунинг янгилиги ҳамда зарурлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари таърифланган, тадқиқотнинг объект ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ионитларнинг олиниши ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида, таркибида амина ва сульфогуруҳ тутган полимерларнинг физик-кимёвий хоссалари, уларни олинишининг ҳозирги ҳолати, сорбцион хоссали полимерлар олинишига олиб келувчи модификациялаш жараёнларнинг шароитлари кўриб чиқилди. Хусусан, поливинилхлоридни олтингугуртлаш, олтингугуртлаш натижасида олинган сульфокатионитни полиэтиленполиамин ёрдамида аминлаш реакцияларининг турли ташқи омилларга боғлиқликлари шарҳланди. Илмий-техника ва патент ахбороти ўрганилиб, турли сорбцион технологиялар учун мўжалланган ионалмашинувчи материалларни мақсадли қўллаш тенденциялари таҳлил

---

<sup>2</sup> Муаллиф диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун кимё фанлари доктори, проф. М.Г.Мухамедиевга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

қилинган. Мавжуд назарий ва амалий натижалар таҳлили асосида вазифанинг қўйилиши тавсифлаган. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, берилган хоссалар мажмуига эга донатор ионитларнинг зарурияти тўғрисида хулосалар келтирилган. Айти шу таҳлил натижасида поливинилхлорид асосида олинган турли хил хоссали сорбентлар ёрдамида экологик муаммоларни бартараф қилишда олиб борилаётган хориж ва республикамиз олимларининг изланишлари ҳам шу бобда ўрин эгаллаган.

Диссертациянинг «**Поливинилхлорид пластикати асосидаги янги полиамфолит олинишининг қонуниятлари**» деб номланган **иккинчи бобида**, донатор ПВХ асосида олинган сульфокатионитни полиэтиленполиамин (ПЭПА) иштирокида кимёвий модификациялаб таркибида амина ва сульфогуруҳ тутган полиамфолит олиш жараёнининг физик-кимёвий хусусиятлари ёритиб берилган.

Шу кунгача юртимиз олимлари хусусан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Полимерлар кимёси кафедрасининг олимлари томонидан маҳаллий хом ашёлардан бир қатор янги ПАН асосидаги толасимон, ПАА асосидаги гелсимон ва ПВХ асосидаги донатор ионалмашинувчи сорбентлар синтез қилинган.


Кафедра олимларининг илмий тажрибаларига суянган ҳолда, маҳаллий хомашёлар асосида донатор пластикат поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни полиэтиленполиамин иштирокида модификациялаш орқали янги поламфолит олинди. Модификациялаш учун олинган пластикат поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитни турли ҳил концентрацияли ПЭПА эритмаларидан фойдаланилди. Олиб борилган реакцияларнинг боришига турли хил омилларнинг таъсирини ўрганиш натижалари характерининг ўхшаш бўлиши аниқланган.

Модификациялаш реакциялари печда, ёпиқ идишда ҳарорат 383, 393, 403, 413, 423, 433, 443К ларда ва 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10 соат вақт давомида ўтказилган. Сульфокатионитга ПЭПА модификациялаш орқали полиамфолит олинишига таъсир этувчи омиллар олинган полиамфолитнинг статик алмашиниш сифими (САС) қийматига асосланиб ўрганилди. Ионалмашинувчи материалларнинг уч ўлчамли макромолекуляр тузилишини ҳосил қилиш учун молекулада камида учта фунгионал гуруҳ ёки атомни ўз ичига олган органик моддалар ишлатилади. Кўпгина синтезларда қуйидаги кимёвий тузилишдаги полиэтиленполиамин (ПЭПА) ишлатилади:



Ионалмашинувчи материаллар ҳосил бўлишининг биринчи белгиси бу полимерларда ионалмашиниш хусусиятларининг пайдо бўлиши. Ионоген гуруҳларнинг мавжудлигини текшириш учун модификациялаш натижасида олинган полиамфолитнинг HCl ва NaOH бўйича САС қийматлари аниқланди. ПВХ асосида олинган сульфокатионитга ПЭПА модификациялаш учун дастлаб турли концентрацияли ПЭПА эритмасида ўрганилди. Олинган натижалар асосида келтирилган 1-расмда кўринадики аминлаш реакциясида

ПЭПА эритмасининг концентрацияси ошиши полиамфолитнинг САС қийматини ошишига олиб келади.



**1 – расм. Полиамфолитнинг САС қийматининг ПЭПА концентрациясига боғлиқлиги (Т=423 К).**

Келтирилган 1-расмдан кўринадикки реакция 80% дан юқори концентрацияда амалга оширилса, аминлаш реакцияси натижасида олинган полиамфолитнинг САС қиймати пасайганлиги кузатилди. Бунга сабаб юқори концентратциядаги ПЭПА молекулалари ионит юзаси билан реакцияга кўпроқ киришиб макромолекулалар тўрсимон тузилиш ҳосил қилиши оқибатида ПЭПА молекулалари гранула ички юзасигача тарқалишини қийинлашишидир. Маълум даражада суьлтирилган эритмаларда эса ПЭПА молекулаларининг ҳаракати осонлашганлиги туфайли полимернинг ички юзасигача кириб борган бўлиши мумкин. Шунинг учун, сульфокатионит аминланиш реакциясини амалга ошириш учун ПЭПAnинг концентрацияси 80% ли эритмасида полиамфолитнинг HCl бўйича САС қиймати юқори кўрсаткич намоён қилди. Шунингдек полиамфолитнинг NaOH (0,1 н ли эритмасида) бўйича САС қиймати ПЭПAnинг концентрацияси 80% ли эритмасигача деярли бир ҳил сақланиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Сульфокатионитнинг полиэтиленполиамин билан реакцияси гетероген жараёнлир. Маълумки, бундай жараёнларда реакция тезлиги фақат суьк фазадаги моддаларнинг концентрациясига боғлиқ бўлади.

Берилган графикдан фойдаланиб реакция тартиби ушбу эгри чизикнинг қиялиги асосида топилган, унинг қиймати 1,1 га тенг. Шундай қилиб, реакциянинг конверсия даражасининг концентрацияга боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:


$$V=K \cdot [ПЭПА]^{1,1}$$

Олинган қиймат ( $n>1$ ) гетероген шароитда реакциянинг классик ўтказилиши ҳақидаги адабиёт маълумотларига мос келади.

K – бу тенглама бўйича ҳисобланган реакция тезлиги константаси  $3,15 \cdot 10^{-3}$  сек·л/моль қийматга тенг эканлиги аниқланди.


ПВХ асосидаги сульфокатионитни аминлаш реакциясига ҳарорат таъсирини ўрганишда 140°C дан 150°C гача бўлган ҳароратда олинган намунанинг САСга ва масса ўзгаришига асосланиб модификациялаш жараёнининг муқобил ҳарорати топилди. Бунда поливинилхлорид асосидаги сульфокатионит таркибидан ҳарорат ортиши билан HCl ажралиб чиқиши, -SO<sub>3</sub>H гуруҳлари алмашинмаган хлор атомлари ўрнини амин гуруҳлари

боғланиши ҳисобга олинди. Олинган натижалар қуйидаги 2-расмда келтирилган.



**2 – расм. Сульфокатионитни ПЭПА билан модификациялаб олинган полиамфолитнинг САС қийматини реакцион муҳит ҳароратига боғлиқлиги**


Ушбу 3-расмда модификацияланиш реакция тезлигининг тескари ҳароратга боғлиқлик логорифмик қийматлари келтирилган. Айти боғлиқликнинг бурчак тангенси  $\text{tg}\alpha=8413$  асосида модификацияланиш реакциясининг фаолланиш энергияси ушбу формула асосида  $E = -R \cdot \text{tg}\alpha$  (бу ерда  $R$  – универсал газ доимийси) ҳисоблаб чиқилди,  $E$  нинг қиймати 69,94 кЖ/моль эканлиги аниқланди.



**3 – расм. Сульфокатионит ва ПЭПА модификация реакцияси тезлигининг тескари ҳароратга логарифмик боғлиқлиги ( $10^{-3}$ )**

Таҷрибада ҳисоблаб чиқилган реакциянинг фаолланиш энергияси қиймати айти гетероген жараёнларга хосдир.


Сульфокатионит ва ПЭПА реакцияси маҳсулотини идентификациялаш учун ИҚ спектр таҳлили ўтказилди. Қуйидаги 4-расмда намуналарнинг ИҚ спектрлари таҳлили келтирилган.



**4 - расм. Олинган намуналарнинг ИҚ спектри  
a - ПВХ, b - ПВХ-S, c - ПВХ-SO<sub>3</sub>H, d - ПВХ-(SO<sub>3</sub>H)NH**

Келтирилган 4-расм (b) нинг маълумотлардан кўринадики ҳосил бўлган полимерларнинг ИК-спектрларида  $1680\text{ см}^{-1}$  соҳада ютилиш чизиқлари кузатилди, ушбу ютилишлар  $>C=C<$  боғларнинг валент тебранишларига ҳосдир. Ушбу чизиқларнинг пайдо бўлиши винил гуруҳларининг дегидрохлорланиши билан боғлиқдир. 4 - расм (b) нинг  $1100\text{ см}^{-1}$  соҳадаги чизиқ тион гуруҳининг ( $C=S$ ) валент тебранишига ҳос. Барча ўрганилган намуналар учун 4 - расм (a)  $1480\text{ см}^{-1}$  соҳада ютилиш чизиқлари кузатилиб, улар скелетли C-C, деформацион C-H ва деформацион  $CH_2$  тебранишларига ҳосдир. Намуналарнинг ИК-спектрларида 4-расм (a)  $650\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунликларида жадал ютилиш чизиқлари аниқланиб, улар ўз навбатида C-Cl валент тебранишлари учун ҳосдир. Инфрақизил-спектроскопик қиёсий анализ тадқиқот маълумотлари 4 - расм (c), (d)  $1723\text{ см}^{-1}$  соҳаларда катионит таркибида бир валентли  $-SO_3H$  сульфогуруҳ борлигини кўрсатади. Шунингдек 4 - расм (d) да  $3288\text{ см}^{-1}$  соҳадаги ютилиш  $>N-H$  боғланишнинг деформацион тебранишларини характерлайди.  $1281\text{ см}^{-1}$  соҳада иккиламчи ва бирламчи амин тузларини характерлайдиган кенг ютилиш соҳаларининг борлиги поликомплексонларда ички туз формасида амина- ҳамда сульфогуруҳларининг мавжудлигини кўрсатади.


Олинган ИК спектр таҳлиллари асосида ПВХ асосидаги  $-SO_3H$  гуруҳ тутган сульфокатионитни полиэтиленполиамин билан кимёвий реакция тенгламасини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Юқоридаги реакциядан кўриниб турибдики полимер занжиридаги сульфогуруҳлари ( $-SO_3H$ ) га алмашинмаган хлор атомларини ўрнига асос хоссали аминогуруҳлари ( $>NH$ ) алмашинганлигини кўриш мумкин. Бу функционал гуруҳлар олинган ионитни ҳам кислоталик ҳам асослик хоссасини номоён қилишини кўрсатади.

Тадқиқотларда кўринадики кўплаб адсорбент материалларнинг морфологик ва сирт тузилишини аниқлашда SEM усулидан кенг фойдаланилади. Чунки сорбентларнинг морфологик тузилиши уларнинг физик-кимёвий хоссаларига кенг таъсир кўрсатади. ПВХ ва унинг модификацияланган шаклларини морфологик ва сирт тузилиши ўрганилди.

Бунда дастлабки пластикат ПВХ, экстракцияланган ПВХ, сульфокатионит ва полиамфолитларнинг микрофотографиялари қуйидаги 5 - расмда келтирилган.



### 5- расм. SEM микрофотографиялари.


**а) пластикат ПВХ, б) экстракцияланган пластикат ПВХ, с) сульфокатионит ПВХ-SO<sub>3</sub>H, д) поликомплекс ПВХ-(SO<sub>3</sub>H)NH**

Юқорида келтирилган SEM микрофотографияларида 5-расм (а)да пластикат поливинилхлорид юзаси текис тузилишли бўлиб, экстракцияланган 5 – расм (б) поливинилхлорид орқали пластификатор чиқариб, сульфогрухлари киритилгандан сўнг 5 – расм (с) ғовак тузилишли полимер ҳосил бўлган. Кейинги босқичда аминланган полимер юзаси 5-расм (д) дан кўринадики бир хил тузилишли бурмалар ҳосил қилган. Бу эса ПВХ асосида ҳосил бўлган сорбент катта сирт юзага эга бўлганлиги ва бундай морфологик тузилишга эгаллиги турли металл ионлари билан юқори сорбцион хосса намоён қилиши мумкин.

Диссертациянинг «Поливинилхлорид асосида олинган полиамфолитнинг физик-кимёвий хоссалари» деб номланган учинчи бобда, поливинилхлорид асосида олинган полиамфолитнинг термик таҳлили, кимёвий барқарорлиги ва полиамфолитга турли хил металл ионларининг сорбциясининг физик-кимёвий қонуниятлари тадқиқ қилинган.

Бизга маълумки саноатнинг турли соҳаларида қўлланувчи сорбентлар қатор талабларга жавоб бериши керак, хусусан турли металлларга нисбатан юқори сорбцион сиғимига эга бўлиши, сувда эримаслиги, кимёвий барқарор бўлиши, ҳароратнинг ўзгаришига барқарор бўлиши ва арзон бўлиши билан биргаликда кўп марта қайта ишлатиш хусусиятига, сувни тозалаш жараёнида технологик, экологик ва иқтисодий талабларга мос келиши керак. Шунинг учун агрессив физик-кимёвий таъсирларга барқарор бўлган, янги ион алмашувчи ионитлар синтез қилиш долзарб масалаларидан биридир. Полимерларнинг ҳароратбардошлилигини ўрганишда ҳарорат таъсирида масса йўқотишига асосланган термогравиметрик (ТГ) таҳлилидан кенг фойдаланилади.

Бошланғич маҳсулот ПВХ, ПВХ асосида олинган сульфокатионит ҳамда олинган полиамфолитнинг ТГ ва дифференциал термогравиметрик анализ (ДТГ) эгрлари б - расмда келтирилган.




**б - расм. А) пластикат ПВХ, (Б) SO<sub>3</sub>H гуруҳ тутган ПВХ, (С) ПВХ-(SO<sub>3</sub>H)(NH) ларни термик таҳлили.**

TG- термогравиметрик эгри; DTG - дифференциал термогравиметрик анализ эгриси.

б-расм (Б) да сульфокатионитни дерватограммаси келтирилган. Маълумотлар намунанинг таркибида кристалл структураси борлигини тасвирлайди, 23-370°C ҳарорат интервалида массанинг йўқотилиши иккита босқичда содир бўлади, биринчиси 130-160°C интервалда бўлиб, ушбу интервалда -6,07% массанинг йўқотилиши билан намунанинг таркибидаги кристалл тизимларнинг суюқланиши содир бўлади. ДСК нинг эгри чизиқларида -28,13 Дж/г энергиянинг ютилиши билан эндотермик пик кузатилади  $-T_{\max}=154,8^{\circ}\text{C}$ . Олинган термогравиметрик (ТГ) таҳлили натижаларидан кўришиб турибдики дастлабки модда ПВХ 245,5°C ҳароратда қиздирилганда термик деструкция ҳодисаси кузатилади. ПВХ асосида олинган сульфокатионитда эса 254°C дан юқори ҳароратда қиздирилганда термик деструкция ҳодисаси кузатилади, у дастлабки массадан намуна массасининг 32% гача йўқотилишига ва -130 Дж/г миқдордаги энергиянинг (эндотермик пик) ютилишига олиб келади. Ушбу б – расм (С) да келтирилган полиамфолитнинг термогравиметрик анализ маълумотларидан куринадики 224°C ҳароратда қиздирилганда деструкция ҳодисаси кузатилади. Бу эса сульфокатионитга нисбатан термик деструкцияга чидамлилигини бироз пстлигини кўрсатади.

Бизга маълумки саноат миқёсида ишлатиладиган ионалмашинувчи материалларнинг ғоваклиги миқдорий жиҳатдан қатор параметрлар: моноқават сиғими ( $X_m, \text{г/г}$ ), солиштирма юзаси ( $S_{\text{sol}}, \text{м}^2/\text{г}$ ), микроғовак қиймати ( $W_0, \text{см}^3/\text{г}$ ), тўйиниш ғажми ( $V_s$ ), мезоғовак қиймати ( $W_{\text{me}}$ ) ҳамда полимерларнинг ғовак радиуси қийматлари ( $r_k, A_0$ ) ёрдамида тавсифланади. Айти ишда полимерларга бензол буғларини ҳар хил босимда сорбция қийматларини ҳисоблаш усулидан фойдаланилди. Сорбцияланган буғ миқдорини спиралли жуда сезгир тарозлар (Мак Беннинг тортиш усули) ёрдамида ҳамда аввалги маълум даражаланган ҳажмда (ҳажмий усул) буғнинг камайиши ўлчанди. Олинган натижалар куйида берилган график усулларда аниқланди.



**7 – расм. Бензол буғининг ПВХ, ПВХ – SO<sub>3</sub>H, ПВХ – (SO<sub>3</sub>H)(NH)ларга сорбцияси**

Ушбу 7-расмда ПВХ ҳамда ПВХ асосидаги ионитлар учун бензол буғининг сорбция изотермасига асосланиб Брунауэр, Эммет, Теллер томонидан таклиф қилган тенлама ёрдамида полимер материаллар ғовақлар параметрлари ҳисоблаб топилган (БЭТ усули).

**1-жадвал**

**ПВХ асосидаги полиамфолитга Cu<sup>2+</sup>, Ni<sup>2+</sup>, Co<sup>2+</sup> ва Cr<sup>3+</sup> ионлари сорбциясининг кинетик кўрсаткичлари ва фаолланиш энергияси**

Сорбент	Металлар	Дастлабки конс. (моль/л)	Псевдо-биринчи тартибли			Псевдо-иккинчи тартибли			E <sub>a</sub> кж/ моль
			Мувозанат адсорбция миқдори q <sub>e</sub> (мг г <sup>-1</sup> )	k <sub>1</sub> (мин <sup>-1</sup> )	R <sup>2</sup>	Мувозанат адсорбция миқдори q <sub>e</sub> (мг г <sup>-1</sup> )	k <sub>2</sub> (г мг <sup>-1</sup> мин <sup>-1</sup> )	R <sup>2</sup>	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Полиамфолит	Ni <sup>2+</sup>	0,010	32,45	0,00253	0,705	33,33	0,0007866	0,986	49,52
		0,0125	41,31	0,00241	0,777	41,67	0,0005378	0,987	
		0,025	47,21	0,00233	0,868	76,92	0,0003939	0,996	
		0,050	73,75	0,00233	0,791	100,0	0,0003571	0,994	
		0,075	88,51	0,00233	0,811	125,0	0,0003678	0,996	
		0,100	97,35	0,00233	0,981	142,9	0,0003858	0,999	
		0,125	144,5	0,00193	0,932	178,6	0,0028409	0,999	
		0,250	159,3	0,00163	0,929	200,0	0,0002212	0,999	
	Ўртача k <sub>1</sub> ва k <sub>2</sub>		0,002222			0,0000736			
	Co <sup>2+</sup>	0,010	35,60	0,00461	0,844	37,04	0,000497	0,989	51,96
		0,0125	44,30	0,00461	0,737	50,00	0,000163	0,937	
		0,025	50,20	0,00691	0,714	58,82	0,000092	0,848	
		0,050	77,90	0,00691	0,656	90,91	0,000076	0,871	
		0,075	97,40	0,00691	0,731	111,1	0,000055	0,852	
		0,100	112,1	0,00921	0,958	172,4	0,000002	0,826	
		0,125	150,5	0,00691	0,775	208,3	0,000008	0,796	
		0,250	177,1	0,00691	0,741	222,2	0,000002	0,731	
	Ўртача k <sub>1</sub> ва k <sub>2</sub>		0,006622			0,0001974			
	Cu <sup>2+</sup>	0,010	38,59	0,00461	0,843	41,67	0,000377	0,985	54,15
		0,0125	48,00	0,00461	0,838	55,56	0,000158	0,96	
		0,025	54,41	0,0023	0,744	58,82	0,000115	0,884	
		0,050	84,48	0,0023	0,745	90,91	0,000093	0,903	
		0,075	105,6	0,00461	0,822	117,7	0,000029	0,946	
		0,100	121,6	0,00231	0,957	175,4	0,000022	0,888	
0,125		163,2	0,00231	0,843	212,7	0,000011	0,849		
0,250		192,0	0,00231	0,749	263,2	0,000007	0,934		
Ўртача k <sub>1</sub> ва k <sub>2</sub>		0,01354			0,000010				

## 1-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Полиамфолит	Cr <sup>3+</sup>	0,010	42,90	0,00461	0,802	45,45	0,000374	0,987	67,86
		0,0125	68,80	0,00461	0,837	76,92	0,000219	0,993	
		0,025	88,40	0,00461	0,831	100,0	0,000145	0,990	
		0,050	101,4	0,00461	0,849	125,0	0,000066	0,967	
		0,075	137,8	0,00461	0,843	166,7	0,000051	0,979	
		0,100	156,1	0,00461	0,816	200,0	0,000025	0,929	
		0,125	195,1	0,00461	0,795	250,0	0,000019	0,937	
		0,250	223,6	0,00691	0,757	285,7	0,000003	0,815	
Ўртача k <sub>1</sub> ва k <sub>2</sub>		0,01267			0,000113				

ПВХ асосидаги полиамфолитнинг қўллаш соҳаларини аниқлаш учун сорбцион хусусиятлари ўрганилди. Олинган полиамфолитнинг Ni(II), Cu(II), Co(II) ва Cr(III) ионлари сақлаган эритмалар таркибидан металл ионларини сорбциялаш жараёнининг физик-кимёвий қонуниятлари ўрганилган.

Мазкур олиб борилган кинетик тадқиқотларда пластикат ПВХ асосида таркибида амина- ва сульфогурохлар сақловчи янги полиамфолитга никель (II), ми (II), кобальт (II) ва хром (III) ионлари сақлаган сунъий эритмаларда сорбцияси турли бошланғич концентрация ва ҳароратларда ўрганиш ушбу жараён кинетик параметрлар қийматлари Ni<sup>2+</sup> (R<sup>2</sup>=0,705-0,986), Co<sup>2+</sup> (R<sup>2</sup>=0,844-0,989), Cu<sup>2+</sup> (R<sup>2</sup>=0,843-0,985) ва Cr<sup>3+</sup> (R<sup>2</sup>=0,802-0,987) ионларинг полиамфолитга ютилиши иккинчи тартибли адсорбция кинетикасига қонуниятлари асосида боришини кўрсатади. Бу эса Cu<sup>2+</sup>, Ni<sup>2+</sup>, Co<sup>2+</sup> ва Cr<sup>3+</sup> ионларинг ПВХ асосида олинган полиамфолитга сорбцияланишида металл ионлари билан бир қаторда сорбент таркибидаги амина ва сульфогурохлар ҳам таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Сорбция жараёнида металл ионларининг фаолланиш энергияси никель иони учун 49,52 кЖ/моль, кобальт иони учун 51,96 кЖ/моль, мисиони учун 54,15 кЖ/моль ва хром иони учун 67,86 кЖ/моль, бу қийматлар асосида жараён сорбциясиқуйидаги кетма - кетлик Ni<sup>2+</sup><Co<sup>2+</sup><Cu<sup>2+</sup><Cr<sup>3+</sup> асосида фаолланиш энергияси ўзгаришлари аниқланди.

## 2 – жадвал

### ПВХ асосидаги полиамфолитга Ni<sup>2+</sup>, Cu<sup>2+</sup>, Co<sup>2+</sup> ва Cr<sup>3+</sup> ионлари сорбциясида Ленгмюр ва Фрейдлих константа қийматлари

Ионлар	Ленгмюр константалари				Фрейдлих константалари		
	q <sub>max</sub> (ммоль/г)	K <sub>L</sub>	R <sub>L</sub>	R <sup>2</sup>	n	K <sub>F</sub>	R <sup>2</sup>
Ni(II)	3,2	0,00044	0,931	0,994	2,26	57,94	0,984
Co(II)	3,3	0,00041	0,931	0,996	2,29	64,65,	0,982
Cu(II)	3,4	0,00047	0,926	0,997	2,33	67,76	0,977
Cr(III)	3,9	0,00099	0,841	0,996	2,81	89,16	0,974

Ушбу келтирилган 2 - жадвалда сорбция изотермасининг Ленгмюр ва Фрейдлих тенгламалари бўйича барча ҳисобланган натижалари келтирилган. Фрейдлих параметрлари қийматларига кўра мос равишда Ni<sup>2+</sup>, Cu<sup>2+</sup>, Co<sup>2+</sup> ва Cr<sup>3+</sup> ионлари n=2,26; 2,29; 2,33 ва 2,81 га тенг бу эса таркибида амина ва сульфогурохлари тутган полиамфолитга метал ионларининг сорбцияси юқори даражада борганлигидан далолат беради. Коррелацион коэффициентлари R<sup>2</sup> қийматлари Ni<sup>2+</sup> учун 0,994; Cu<sup>2+</sup> учун 0,997; Co<sup>2+</sup> учун 0,994 ва Cr<sup>3+</sup> учун 0,996 га тенг ва концентрация ўзгариши адсорбция

жараёни Ленгмюр мономолекуляр адсорбция назариясига бўйсунганини ( $R_L$ -кулай бўлиши) кўрсатади.

ПВХ асосида олинган полиамфолитга 303К дан 323К ҳароратлар оралиқларида эритмалардан  $Ni^{2+}$  (а),  $Cu^{2+}$  (б),  $Co^{2+}$  (с) ва  $Cr^{3+}$  (д) ионларининг сорбция жараёнларида термодинамик параметрларнинг ўзгариши 3-жадвалда келтирилган.


### 3-жадвал

#### Полиамфолитга $Ni(II)$ , $Cu(II)$ , $Co(II)$ ва $Cr(III)$ ионларининг сорбция мувозанат константаси ва термодинамик функцияларнинг ўзгариши

Металл ионлари	T, К	$q_e$ , мг/г	K, л/моль	$-\Delta G$ , ж/моль	$\Delta H$ , ж/моль	$\Delta S$ , ж/моль·К
$Ni(II)$	303	142,3	14,4	6482,4	23495,4	98,94
	313	156,1	14,6	7471,8		
	323	166,6	25,8	8461,2		
$Co(II)$	303	156,3	14,6	6914,8	28101,3	115,6
	313	166,4	25,8	8070,4		
	323	179,8	29,0	9226,5		
$Cu(II)$	303	167,5	14,8	6946,7	28774,7	117,9
	313	179,4	26,0	8125,6		
	323	188,7	30,0	9304,5		
$Cr(III)$	303	170,4	34,2	8942,7	15588,7	80,96
	313	181,6	43,6	9752,3		
	323	189,1	50,2	10562,0		

Келтирилган 3 - жадвалдан кўринадики, Ленгмюр мувозанат константаси асосида ҳисоблаб топилган  $q_{max}$  қиймати 293, 303 ва 313К ҳароратларда ошиб борган. Аини жадвалда келтирилган  $\Delta H$  мусбат қийматга эга ва адсорбция жараёни эндотермиклиги аниқланди. Шунингдек система энтропиясининг ортиши сорбент юзасидаги  $Na^+$  ионлар билан эритма таркибидаги  $Ni(II)$ ,  $Cu(II)$ ,  $Co(II)$  ва  $Cr(III)$  ионлари ўртасида ионалмашиниш реакцияси борганлигидан далолат беради. Эркин энергиянинг камайиши  $Ni(II)$ ,  $Cu(II)$ ,  $Co(II)$  ва  $Cr(III)$  ионларининг полиамфолитга сорбцияси ўз-ўзича борганлигини кўрсатади.

Динамик алмашинув сифимини ва десорбцияни ўрганиш учун поливинилхлорид асосида олинган сульфокатионитга ПЭПА модификацияси натижасида олинган полиамфолитнинг HCl бўйича статик алмашиниш сифими 4,5 мг-экв  $г^{-1}$ , NaOH бўйича 3,5 мг-экв  $г^{-1}$  бўлган донадор полиамфолит активланган ҳолатда калоннага жойлаштирилди.



8 - расм. ПВХ асосидаги полиамфолитга (а)  $Cu^{2+}$  ва (б)  $Co^{2+}$  ионлари динамик сорбция қийматининг ўтиш тезлигига боғлиқлиги. ( $C_M=0,05$  моль/л)

Юқоридаги 8-расмларда колоннадан чиқаётган эритмадаги металл ионларининг концентрациясининг сорбентдан ўтказилаётган эритма хажмига боғлиқлиги келтирилган.

Ушбу келтирилган 8 - (а, б) расмлардан кўриниб турибдики, колоннадан эритмаларининг ўтиш тезлиги камайиши билан металл ионларининг полиамфолитга сорбцияси ортиб борган. Бунга сабаб ион алмашинувчи сорбент функционал гуруҳлари билан туз эритмасидаги металл ионлари алмашилиш кучаяди.

Таркибида амина ва сульфогуруҳлари тутган полиамфолитни оқова сув таркибидан турли ионларни ажратиб олиш учун «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ нинг «Техник назорат бўлими» (ТНБ) қошидаги кимёвий таҳлил бўлимида оқова сувларидан металл ионларини олиши аниқланган. Оқова сув таркибида металл ионлари ионитга сорбцияланганлигини спектрометрик усул ёрдамида *Микропланишетли ридер энспире Перкин эмлер (АҚШ)* спектро фотометрда аниқланди. Оқова сувларни тозаланиши керак бўлган асосий катионлар 4 - жадвалда келтирилган бўлиб, асосан ушбу ионларни оқова сувлар таркибидаги миқдорини камайтириш талаб қилинади.

#### 4 - жадвал

#### ПВХ асосидаги полиамфолитнинг оқова сувлардаги ионларни сорбциялаб камайтириши

Мавжуд ионлар	Cu <sup>2+</sup>	Ni <sup>2+</sup>	Cr <sup>3+</sup>	Co <sup>2+</sup>
Дастлабки миқдори, мг/дм <sup>3</sup>	1820	10,5	75	295
Сорбциядан кейинги миқдори, мг/дм <sup>3</sup>	314,2	1,33	7,5	10,4

Таркибида амина ва сульфогуруҳлари тутган поливинилхлорид асосида олинган полиамфолитга турли оралиқ металл ионларининг ҳар хил концентрацияли сунъий эритмаларда сорбцияси ўрганилди. Бунинг учун Ni<sup>2+</sup>, Cu<sup>2+</sup>, Co<sup>2+</sup> ва Cr<sup>3+</sup> ионларининг ПВХ асосидаги полиамфолитнинг сорбциясига таъсир этувчи турли омиллар: концентрация (0,025; 0,05; 0,075; 0,1 М), ҳарорат (303К; 313К; ва 323К), вақтга (2-24 соат) боғлиқликлари ўрганилди.

Диссертациянинг «**Полиамфолит синтези ва хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган **тўртинчи бобида** қўлланилган реактивларнинг тавсифи, полимерларда кимёвий ўзгаришлар олиб бориш усуллари ва тадқиқотлар услублари келтирилган.

### ХУЛОСАЛАР

1. ПВХ асосида олинган сульфокатионитни ПЭПА иштирокида аминлаш натижасида янги полиамфолит олиш реакциясига турли хил омилларнинг таъсирини ўрганиш натижасида жараённинг мақбул шароитлари топилди. Олинган модданинг идентификациялаб ҳосил бўлган полимер материал таркибида S ва N тутганлиги, ҳамда уларнинг сульфо ва амина гуруҳлари ҳосил қилиб ПВХ занжирига бирикканлиги физик-кимёвий анализ усуллари ёрдамида исботланди.

2. ПВХ асосидаги янги полиамфолит олиш имконияти кўрсатилди, мақбул шароитлари аниқланди, олинган полимерни физик-кимёвий усуллар билан идентификациялаш орқали поливинилхлорид занжирида ион алмашиниш хусусиятига эга сульфогурӯхлари ҳамда аминогурӯхлари ҳосил бўлганлиги исботланди. Ушбу тадқиқотлар полиамфолит учун корхона стандарти техник шароитларини ишлаб чиқиш имконини берди.

3. Олинган полимерни ИҚ-спектроскопик усул билан идентификациялаш орқали таркибида ҳам катионалмашинувчи сульфогурӯхлар ҳам анионалмашинувчи аминогурӯхлари борлиги аниқланди ҳамда олинган полиамфолитни сканерловчи электрон микрофотографиялари таҳлили унинг сорбциялаш жараёнини осонлаштирувчи ғовак тузилишга эгаллиги тасдиқлаш имконини берди. Полиамфолитнинг ўрганилган физик-кимёвий хоссалари саноат миқёсида сувдаги мавжуд ионларни ажратиб олишда ишлатиш талабларига мос келишини кўрсатди.

4. Полиамфолитга кобальт (II), мис (II), никель (II) ва хром (III) ионларининг ютилиш кинетикаси тадқиқ қилингди ҳамда сорбция жараёнининг активланиш энергияси ҳисоблаб топилди. Олинган натижалар ўрганилаётган жараён псевдо-иккинчи тартибли реакциялар қонуниятлари бўйича боришини кўрсатиш имконини берди. Кинетик таҳлиллар асосида  $\text{Cu}^{2+}$  ва  $\text{Cr}^{3+}$  ионларини  $\text{Ni}^{2+}$  ва  $\text{Co}^{2+}$  ионларига нисбатан юқори селективликга эга эканлиги аниқланди.

5. Сорбция жараёнининг термодинамикасини тадқиқ қилиш орқали ўрганилаётган жараён Ленгмюрнинг мономолекуляр адсорбцияси назариясига бўйсунуши ҳамда сорбция жараёнининг термодинамик параметрлари - эркин энергия ( $\Delta G$ ), энтальпия ( $\Delta H$ ) ва энтропия ( $\Delta S$ ) қийматлари ўзгариши  $\text{Ni}^{2+}$ ,  $\text{Cu}^{2+}$ ,  $\text{Co}^{2+}$  ва  $\text{Cr}^{3+}$  ионларининг ионит билан ионалмашиниш реакцияси орқали ютилишини кўрсатди.

6. Таркибида амина ва сульфогурӯхлари тутган полиамфолит иштирокида саноат корхона сувларини тозалаш учун бир неча маротаба динамик шароитда сорбция, десорбция жараёнлари амалга оширилганда, унинг сорбцион хоссалари ўзгармасдан қолгани кузатилди ва натижада полиамфолитни саноат корхоналарида сувларни тозалашда кўп маротаба қўллаш мумкинлигини имконини берди.

7. Полиамфолит ёрдамида «Муборак газни қайта ишлаш заводи» АЖ технологик жараёнларида ҳосил бўладиган сувларини оралиқ металл ионларидан тозалашга имкон берувчи мобил ускуна ишлаб чиқилди ва саноат миқёсида жорий қилиниш учун тавсия этилди ҳамда полиамфолит «O'ZSTANDART AGENTLIGI» Standartlar Instituti томонидан Ts 02072392-002:2020 рўйхатдан ўтказилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.09.2020.K.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**  

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ХУШВАКТОВ СУЮН ЮСУП УГЛИ**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НОВЫХ  
ПОЛИКОМПЛЕКСОНОВ С АМИНО И СУЛЬФОГРУППАМИ НА  
ОСНОВЕ ПОЛИВИНИЛХЛОРИДНОГО ПЛАСТИФИКАТА**

**02.00.06 - Высокомолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Чирчик - 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером **B2019.3. PhD/K235**.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ([www.cspi.uz.ilmiy-kengash](http://www.cspi.uz.ilmiy-kengash)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научные руководители:**

**Бекчанов Давронбек Жумазарович**  
доктор химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Каримов Махмуд Муратович**  
доктор химических наук, доцент

**Троров Хамза Турсунович**  
доктор химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.K.82.02 по присуждению учёных степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (0370) 716-68-05; факс: (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi\_k.kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (0370) 716-68-05; факс: (0370) 716-68-11 (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**О.Э.Зиядуллаев**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н., доцент

**Г.К.Отамухамедова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.х.н. по химии (PhD)

**А.С.Рафиков**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** За последнее десятилетие в глобальном масштабе в несколько раз возросли усилия по производству синтетических ионообменных материалов на основе местного сырья, а также повышению экономической эффективности. По объему производимых ионитов страны СНГ занимают второе место в мире, и с помощью этих ионообменных материалов очищаются загрязненные сточные воды, смягчается жесткость воды, очищаются от токсичных металлов, обессоливаются природные и сточные воды, используемые для промышленных предприятий. Технологии, основанные на использовании ионитов, используются не только для отбеливания и очистки сточных вод, но также очень важны для разделения драгоценных и других цветных металлов в гидрометаллургии.

В мире проводятся научные исследования по нахождению методов синтеза ионитов на основе синтетических полимеров, внедрению технологий их производства, изучению их физико-химических свойств, разработке технических условий и требований, свойственным им характеристикам. Учитывая это, особое внимание уделяется получению ионообменных материалов с использованием продукции нефтегазовой промышленности, природных углеводородов и вторичных промышленных материалов, определению с применением современных методов их состава и строения, чистоты и физико-химических параметров, анализу кванто-химических и энергетических, физических и механических свойств, улучшению методов их производства используемых в больших масштабах в промышленности.

Для развития отраслей в нашей стране создаются предприятия, выпускающие экологически чистую, экономически эффективную, конкурентоспособную, импортозамещающую продукцию в соответствии с современными требованиями. Из этих предприятий «Шуртанский газохимический комплекс», «Устюртский газохимический комплекс» в больших количествах производят несколько видов полимеров. В нашей Республике проводится ряд исследований и достигнуты определённые результаты по расширению областей применения полимерных материалов, производимых на основе местного сырья, определению оптимальных условий получения ионообменных материалов и их внедрения. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены задачи, направленные на «глубокую переработку местного сырья, предусматривающие производство на его основе новых импорт замещающих продуктов и поднятие отрасли на новый качественный уровень».

Одним из инновационных и экономически эффективных способов создания перспективных сорбентов на основе местного сырья в этой связи является проведение химической модификация производственных

---

<sup>1</sup>Указ президента республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”.

многоатомных полимеров. При этом является весьма важным нахождение оптимальных условий получения ионитов, выявление селективности полученных ионитов по отношению к ионам некоторых металлов и исследование их физико-химических свойств.

Данная диссертационная работа служит в определенной степени выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах» в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики», ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» и других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития VII. Химические технологии и нанотехнологии.

